



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нарҳда сотилади

БОЛГАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ — САМАРҚАНДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов тақдирини биноан мамлакатимизга ташриф буюрган Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 7 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига келди.

Болгария Президенти Самарқанднинг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Амр Темур мақбараси, Регистон мажмуи ва Улуғбек расадхонаси билан танишди. Олий мартабали меҳмонга ушбу обидаларнинг яратилиш тарихи, Мовароуннаҳрда қадимий шаҳарсозлик, илм-фан ва хунармандлик ривожига ҳақида маълумот берилди. Г. Парванов Сибё дехқон бозорига ҳам бўлди. Миллий хунармандлик буюмлари ва санъат асарларини кўздан кечирди.

Ислот Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда, унинг тарихий шаҳарлари, жумладан, Самарқандда амалга оширилган тиклаш, таъмирлаш ва қуриш, миллий-маданий меросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга юксак баҳо берди.

Болгария раҳбари мустақиллик йилларида

Голиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

БЕМИННАТ ХИЗМАТ

Пойтахтдаги 7-автокорхона маъмурияти Зангиота тумани аҳолиси учун яна бир қулайлик яратди. Қатортол қишлоғи билан Пахтакор майдонини боғловчи 56-йўналишда "ISUZU" автобуслари қатнай бошлади.

— Яқин йилларгача қишлоқ аҳолиси тайинли йўловчи ташқири транспорт йўлидан азият чекиб келарди, — дейди Янгибод маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одишан Туропов. — Шаҳарга қатнаб ишловчилар, айниқса, ўқув юртиларида таҳсил олаётган ўғил-қизларимиз учун бу

хизмат айна мудадо бўлди. Эндиликда бу йўналишда қатновчи автобуслар йўловчиларни шаҳарнинг Ал-Хоразмий, Катта Қаъни, Фарход дехқон бозорлари ҳамда Истиклол майдони орқали ўз манзилларига етказди.

Саид ҲАСАНОВ.

ТАЪМИНОТ ЯХШИЛАНДИ

Оққўрғондаги Султонобод фермерлар уюшмаси ҳудудда 1,9 километр масофадаги газ қувурлари янгилангач, туман марказида ҳам таъминот барқарорлашди.

"Тошкентга таъминот" унитар корхонаси мутахассисларининг таъминоти, бу йил Бўстонлик, Охангарон туманларининг марказдан олиш қишлоқларида, шунингдек, Ангрен шаҳрида газлаштириш бўйича режалаштирилган ишлар муваффақиятли амалга оширилди.

Мунира ИСАЕВА.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



МУНОСИБЛАР САЙЛАНАДИ

Тошкент туманидаги Қизғалдоқ қишлоғи бир пайтлар қаровсиз қолиб, кўчалари қишда лой, ёзда қанг-тўзон бўларди. "Ҳасанбой ота" қабристонига ҳам ташландиқ ҳола келган. Мустақиллик туфайли маҳаллага эътибор кучайди, обод бўлди. Йўллари асфалт қилиниб, қабристон қайта таъмирланди. Бугун қизғалдоқликлар қишлоқ фуқаролар йиғинига янги оқсоқол сайлаш ҳаракатида юришипти.

— Туманимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий тадбирлар ҳал қилувчи босқичга кирди, — дейди туман сайловга кўмаклашувчи комиссияси раиси Нурмухаммад Абдуллаев. — Худудимизда 60 та маҳалла, 9 та қишлоқ фуқаролар йиғини бор. Уларда сайловни мамунали ташкил этишга бағишланган урғулар ва тадбирлар ўтказилмоқда. Туман кўмаклашувчи комиссияси аъзолари иштирокида Қизғалдоқ, А. Навоий, М. Фозил, М. Ганиев, Ф. Ҳошимов, Р. Ашуров, Шифокор, Гулистон, Расулбод қишлоқ ва маҳалла фуқаролар

йиғинларида тадбирлар низо-ятда қизқарли ўтди.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови га номзодлар танлаш яқинига етди, — дейди туман кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Тожиқон Хусайинов. — Ишчи гуруҳлари жойларда ўтказган йиғиниларда 275 нафар номзод аниқлашиб, уларнинг ҳужжатлари туман кўмаклашувчи комиссиясига тақдим этилди. Қуварнариши, уларнинг кўпчилиги аёллар.

Фуқаролар йиғинлари раис (оқсоқол)лигига билимдон, таърибли, ўз юрти ва маҳалласига фидойилик билан хизмат қиладиган инсонларни сайлаш бугуннинг долзарб ва-

зифасидир, — дейди Қўсарой қишлоқ ишчи гуруҳи раиси Аскар Дудбоев.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" — ги қарориди фуқаролар йиғинлари раислигига ташкилотчилик қилишга эга, олий маълумотли ҳамда аҳоли ўртасида обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор шахсларни танлаб сайлаш лозимлиги алоҳида қайд этилган. Зеро, муносиб номзодлар сайланса, маҳалла янада фаровонлашиб, обод бўлади.

— Ватан маҳалладан бошланади, — дейди А. Навоий номили маҳалла ишчи гуруҳи раиси

Авазхон Жалилов. — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ги Қонунга биноан маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимият тартибига кирдилар. Яъни, маҳаллалар давлатнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, моллиявий манбасига, банкдаги ҳисоб рақамига, жамғармаларига эга бўлди. Демак, оқсоқолликка энг аввало ҳалол, покиза, тадбиркор, ишнинг кўзини билладиган таърибли кишиларни сайлаш зарур.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

СУРАТДА: Охангарон туманидаги «Оздодик» қишлоқ фуқаролар йиғини ишчи гуруҳи раиси Ҳамада Эшбоева жамоа аъзолари билан сайловга доир ташкилий масалалар ҳусусида суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Фойдали МАШҒУЛОТ

Вилоят ҳокимлигида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда уни ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси оммавий ахборот воситалари ходимлари учун семинар ташкил этди. У сайловга тайёрларлик ҳамда уни ўтказиш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш масалаларига бағишланди.

Вилоят кўмаклашувчи комиссияси раиси Адиба Аҳмаджонова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" ги Қарори қабул қилингандан кейин ўтган бир ойдан кўпроқ муддатда амалга оширилган тайёрларлик ишлари ва навбатдаги вазифалар ҳақида маъруза қилди. Вилоят, шаҳар ва туманларда сайловга тайёрларлик ва уни ўтказишга кўмаклашувчи 22 та комиссия, 1447 та ишчи гуруҳи шаҳар ва туманларда Сенат Кенгаши қарори ҳамда "Фуқаролар йиғини раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" ги Қонун қондаларининг тарғиботи ташкил этиш, кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, вақилар сайловини ўтказиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган ҳудудий семинарлар, давора суҳбатлари, ҳуқуқшуносларнинг чиқишлари уюштирилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, комиссия аъзолари, маҳаллий ҳуқуқшунослар аниқ, шиқ-пухта жавоб бериши.

оқсоқолликка номзодларни саралаш, уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлаб, келишиб олиш учун ҳокимликка тақдим этиш билан шуғулланмоқдалар.

Муносиб номзодларни танлаш, сайлов очиқ-ошкор, демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлашда матбуот, радио ва телевидение, бошқа электрон ахборот воситаларининг роли ва ўрни низоҳияда катта эканлиги алоҳида таъкидланди. Кен сайловчилар оммасини сайлов қонунчилиги қоидалари, сайловни ўтказиш тамойиллари, қўрсатилган номзодлар билан таништириш, оммавий ахборот воситаларининг бу чиқишлари чинакам халқчил тус олиши нафақат сайлов уюшқоқлик билан ўтишига, балки маҳалла, қишлоқ ва шаҳарчада ижтимоий-иқтисодий раванки, истиқболли белгилаб бериши, шу боис журналистлардан таъсиричан, ҳаққоний чиқишлар талаб қилинишига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар иштирокчиларининг саволларига вилоят комиссияси аъзолари, маҳаллий ҳуқуқшунослар аниқ, шиқ-пухта жавоб бериши.

Яқин КўМАКЧИ

Қибрай тумани ахборот-маслаҳат маркази кичик корхоналар ҳамда фермер ҳўжалиқларига ҳуқуқиматимизнинг соҳага оид қарорлари ва бошқа ҳўжатларини етказиб бериш ҳамда тарғибот ишларини олиб боришда "USTO" автоматлаштирилган дастур хизматида кенг фойдаланмоқда.

— Айни вақтда фермерларимизни Президентимизнинг "Озик-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони оид чўқур таништириш, бу муҳим ҳўжатларини ижросини таъминлашга қаратилган кўрсатма ва вазифалар бўйича тарғибот ишларини фаоллаштириш, — дейди марказ раҳбари Санобар Габибуллоева. — Шунингдек, тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, соҳани ривожлантириш йўлида "Norma" ахборот тизими бизнинг яна бир яқин кўмакчимиз ҳисобланади.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.

Эртага — Соғлиқни сақлаш ходимлари кунини

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажиги учун" деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади". Соғлиқни сақлаш тизими ҳам бундан муस्तасно эмас. Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ёш авлодини қамол топтириш масалаларига давлат сиёсати даражасида алоҳида гамҳўрлик қилинмоқда.

Муҳиримизнинг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Салимжон Маъқомов билан суҳбатни ислоҳотлар йўли оҳан янгиланишлар ҳусусида кечди.

тириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ёш авлодини қамол топтириш масалаларига давлат сиёсати даражасида алоҳида гамҳўрлик қилинмоқда.

Муҳиримизнинг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Салимжон Маъқомов билан суҳбатни ислоҳотлар йўли оҳан янгиланишлар ҳусусида кечди.

КЕЛАЖАК ИШОНЧЛИ КўЛЛАРДА

катта жарроҳлик тўпламлари келтирилди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

"Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида ҳам 20 та тўғруқ комплекслари жами 732 миллион 147 миң сўмлик зарур тиббиёт воситалари билан таъминланди.

Кўриниб турибдики, ҳар қандай режа ва дастурларни бажаришнинг бош омили уларни молиялаштиришга боғлиқ. Мамурия билан айтиш мумкинки, бу тизимни ислоҳ қилиш Давлат дастурининг узқокни қўзлаб белги-ланган мақсадли вазифалари самарали бажарилгандагина. Қолверса, давлатимиз раҳбарининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг янада чўқурлаштириш ва уни ривожлантириш" Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида" ги Фармони соҳада ислоҳотларни янада чўқурлаштириш, талаб даражасидаги ташкилий тизимни шакллантириш, хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини оширишнинг асосий йўналишларини кўрсатиб берди. Шунингдек, фармон 1998 йилда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг муҳим қоидалари ва мақсад-вазифалари



рени амалга ошириш жараёнини янги босқичга кўтарди.

Ҳозир аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва касалликларнинг олдини олишининг изчил ва босқичли тизими яратилди. Жумладан, шифокорларимиз янги асбоб-ускуналар асосида мураккаб, юкори технологияли операцияларни ҳам бажармоқдалар.

— Қўзланган мақсадларга эришишда, албатта, соҳа ходимларининг билим ва мала-

калари муҳим аҳамиятга эга. Шифокорлар савиясини ошириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Дарҳақиқат, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий тиббиёт воситаларидан самарали фойдалана билиш ҳар бир ходимдан пухта билим ва малака талаб этади. Тиббиёт хо-

китадан ўқув хоналари ташкил этилиб, ҳамшира ва шифокорлар ўқитиляпти. Мазкур лойиҳага асосан узлуқсиз касбий таълим бўйича тренинг машғулотлари ўтказилмоқда. Қибрай, Тошкент, Зангиота, Янгийўл, Уртачирчик, Юқоричирчик ҳамда Бўстонлик туманларида "Дори воситаларидан оқилона фойдаланиш" мавзусида икки кунлик семинар ташкил этилди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтидаги курсларда 827 шифокор, Республика ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш маркази курсларида 2990 нафар ходим қайта тайёрланди. Ҳозир тиббиёт муассасаларимизда 5 миңдан зиёд шифокор ҳамда 24 миңдан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари фаолият қўримоқда.

Яна бир муҳим масала, яъни тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тизимининг қайта кўриб чиқиши хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини берди. Бугунга келиб шифокорлар иш ҳақи ўртача 289 миң, ўрта тиббиёт ходимлариники эса, 137,4 миң сўмни ташкил этмоқда. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимига ўтирилганлиги ҳар бир тиббиёт ходимининг ўз бурчиға маъсулият билан ёндашишини кучайтирапти.

Айниқса, 2006 йилнинг сентябрий ойида эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида" ги Қонунга мусофал, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси касб байрами сифатида нишонланиши, биз тиббиёт ходимларига кўтаринки руҳ бахш этмоқда. Бу эса, мамлакат тиббиёт ходимларига нисбатан юксак гамҳўрлик ва эътибор намунаси.

Фурсатдан фойдаланиб, вилотиятимизнинг барча тиббиёт ходимларини байрамлари билан қизгин қутлаймиз.

Суҳбатни "Тошкент ҳақиқати" мухбири Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛАТИ ЙўЛИДА

Пойтахтимизда "Соғлом авлод учун" халқро хайрия жамғармаси ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида Тиббиёт ходимлари кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда тиббиёт-соғломлаштириш муассасалари, илмий-тадқиқот институти, жамоат ташкилотлари вақиллари, шифокорлар, олимлар иштирок этди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнига жамоат ташкилотлари, жумладан, "Соғлом авлод учун" халқро хайрия жамғармаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, жамғарма Республика "Она ва бола" скрининг маркази ҳамда уларнинг минтақавий бўлимлари кўрсатиш зарур реагентлар ва дори-дармонлар, тиббий препаратлар, гигиена воситалари ва жиҳазлари билан таъминлашга, гўдакларни малакали шифокорлар иштирокидаги текширувдан ўтказишга, улардаги айрим хасталиқларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш-соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тадбирда тиббиёт соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган шифокорларга эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

2008 йил — Ёшлар йили

Ёшлар жамят тараққийнинг етакчи ҳаракатлантувчи кучидир. Мустақиллик йилларида уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганда...

да мазмун-моҳият бахш этмоқда. Утган давр мобайнида Давлат дастури асосида узлуқсиз таълим тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, ижодий қобилиятларини рағбатлантириш, ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар самарали амалга ошириляпти.



Ёшларнинг маънавий камолотида, уларнинг иқтидорини намоён этиш ва ривожлантиришда, соғлом турмуш тарзини камол топтиришда турли қўриқлар, танловлар ва мусобақаларнинг аҳамияти ортиб бораётиб келмоқда.

Фармон ва ижро

БАХТ КЕЛТИРУВЧИ КРЕДИТ

Ёшларга ғамхўрлик, улар турмушининг моддий ва маънавий асосларини яратиш мақсадларида устувор йўналишлардан бирига айланган. Республика Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бунинг аққол далилидир.



Ҳар қандай қарор ёки дастур уларда белгиланган тадбирларнинг ижроси билан аҳамиятлидир. Бу тегишли ташкилот ва муассасалардан ташкилотчилик салоҳиятини талаб қилади. Бусиз режалаштириляётган ишлар қозғоғда қолиб кетиши мумкин.

Шу жиҳатдан қараганда, Ёшлар йилига мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини амалга оширишга оид саъй-ҳаракатлар йигит-қизлар ҳаётида, баркамол янги авлоднинг тарбиялашда яхши самара бераётир.

Айниқса, ўқув муассасаларида ўтказилган "Бир болага етти қўшни ота-она" мавзусидаги туркум тадбирлар, давра суҳбатлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

"Ёшлар йили" Давлат дастурини амалга оширишда қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари, ташкилот ва муассасаларнинг ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаол иштирок этаётир. Уларнинг ташаббуслари билан турли маданий-маърифий тадбирлар, тарихий жойларга саҳатлар, туристик экскурсиялар ташкил этилмоқда. Тарихий-меъморий обидлар, пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан бевосита танишиш йигит-қизларда она-юртга муҳаббат ва ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга хизмат қилаёпти.

Маълумки, мамлакатимизда ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой

АМАЛИЙ ИШЛАР САМАРАСИ



имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш масаласини кўриб чиқувчи туман комиссияси 71 та ёш оиланинг яшаш шароитини ўрганиб, тегишли тавсияномалар берди. Хозиргача шулардан 16 та оилага 452 миллион сумдан кўпроқ ипотека кредити ажратилди.

Таълим

КўЛАМ КЕНГ, НАТИЖА ЮҚОРИ

Ҳар бир ота-она ўз фарзанди билимли бўлиб вояга етишини орзу қилади. Бизнинг мустақил Ватанимизда бу вазифани рўёбга чиқаришни давлатимиз ўз зиммасига олган. Зеро, ҳар жиҳатдан баркамол авлод, пухта билимли, ғайратшижоатли ёшлар мамлакатимиз келажатидир.

Шуни ҳисобга олиб, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасалари «Ёшлар йили» Давлат дастурига киритилган вазифалар мукамал бажарилиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Республика Президентининг бу борадаги қарорини амалга ошириш билан боғлиқ барча масалалар таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда уларнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари маслаҳат-кенгашларида кўриб чиқилиб, режалар аниқлаб олинганлиги барча саъй-ҳаракатларимизнинг муваффақиятини таъминляпти.

Биз ишни турли йўналишлар бўйича иқтидорли ўқувчилар банкни яратишдан бошладик. Ўқув йили давомида уларнинг кўриқтанловларини ўтказиб, голиблар аниқланди. Хозирги пайтда мактабларимизда турли фанлар бўйича 249 иқтидорли ўқувчи билим оляпти. Уларнинг 146 нафари қизлар.

Таълим савиясини кўтаришда ўқувчиларнинг маълумотидаги камчиликларни тўлатиш йилида бу режа 161 фоизга бажарилгани ўқитиш савияси сезиларли юксалишига олиб келди. Айни пайтда қайта тайёрлаш курсларида ўқиб, малака оширган устозларнинг фаолияти устидан мониторинг ўтказиш яхши анъанага айланган. Унинг натижалари ўқувчилар ва тарбиячилар ўртасида муҳомақа қилиниб, дарс машғулотларини ташкил этишнинг замонавий усул ва илғор тажрибалари кенг оммалаштирилмоқда.

Ёшлар йилида таълим муассасаларини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш мақсадида алоҳида ғамхўрлик қўриқлари ташкил этилди. Бу ёш оилаларга кўпроқ ипотека кредитлари ажратилганлигида аққол кўзга ташланмоқда.

Унда ёш оилалар турмушининг маданий даражасини кўтариш, уни замонавий мазмун билан бойитиш, уй-жой шароитларини яхшилашда ёшларга моддий жиҳатдан кўмаклашиш билан боғлиқ қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Уларни амалга оширишда банк тизимининг ўрни ва вазифалари Фармонда аниқ белгилаб берилган. Шу асосда "Ўзсаноатқурилишбанк" алоҳида ҳужжат қабул қилди. Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли кредит бериш тартиби белгиланиб, шу хусусда махсус низоом тасдиқланди. Президент фармонини бажариш чора-тадбирларига аниқлик киритилиб, "Ўзсаноатқурилишбанк" тизимида уй-жой қуришга, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити ажратиш йўл-йўриқлари белгиланди.

Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида бизнинг филиалимизда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шуни айтиш киёфояки, январь-октябрь ойларида 55 та оилага истеъмоладан ипотека кредитлари ажратилди. 41 оилага 205 миллион сўмлик истеъмоладан кредитдан баҳраманд бўлди. Бунинг тенг ярми ёш оилаларга берилди.

Ипотека кредити ажратиш режалари ҳам изчил бажариляпти. Қисқа муддатда 6 та ёш оила 233 миллион сўм ипотека кредити олди. Улар хозир шу маблағ ҳисобига сотиб олинган уйларда яшамоқдалар ёки уй-жойларини замонавий асосда реконструкция қилаётирлар.

Давлатимиз раҳбари фармонларини бажара бориб, биз ёш оилаларга истеъмоладан ипотека кредитлари ажратиш билан боғлиқ масалаларни тобора қисқа муддатларда кўриб чиқиш, уларни моддий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Мавлуда МИРСОЛИЕВА, "Ўзсаноатқурилишбанк" туман бўлими бошқарувчиси.

Тиббиёт

Мустақиллик йилларида ёшлар соғлигини сақлаш, оилалар ва болалар саломатлигини яхшилаш масалаларига эътибор кучайди. Аввало, бола соғлом туғилишини таъминлов-

САЛОМАТЛИК — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

19 та қишлоқ врачлик пункти Япониянинг "Жайка" ташкилоти томонидан янги тиббий ускуналар билан таъминланди. 40 ўринли болалар бўлими мукамал таъмирланди. "Она ва бола" маркази ҳам жорий таъмирланди, "Жайка" ташкилоти етказиб берган монитор, УЗИ, нафас олиш аппаратлари билан жиҳозланди. Хозирги пайтда Қодрий, Жоний, Май ва Ялангоч қишлоқ врачлик пункти "Саломатлик-2" дастури асосида таъмирланмоқда. Туман марказий шифохонасининг жарроҳлик ва тез тиббий ёрдам бўлимида ҳам шундай ишлар амалга ошириляпти.

Шифокорларнинг ташаббуслари билан оилада тиббий маданиятни юксалтириш, санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш чоралари кўриляпти. Айниқса, ёш оилалар учун ташкил этиляётган давра суҳбатлари, шифокорлар билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари яхши натижа бераёпти.

чи омилар кенгайтирилиб, тиббиёт муассасалари малакали ходимлар билан мустаҳкамлашиб, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланаётир.

Сўнгги йигирма ой мобайнида 180 тиббиёт ходими ўз малакасини оширишга юзлаштирилди. Натижада ташхис-даволаш жараёни яхшиланаётган бўлиб, "Жайка" ташкилоти етказиб берган монитор, УЗИ, нафас олиш аппаратлари билан жиҳозланди. Хозирги пайтда Қодрий, Жоний, Май ва Ялангоч қишлоқ врачлик пункти "Саломатлик-2" дастури асосида таъмирланмоқда. Туман марказий шифохонасининг жарроҳлик ва тез тиббий ёрдам бўлимида ҳам шундай ишлар амалга ошириляпти.

Шифокорларнинг ташаббуслари билан оилада тиббий маданиятни юксалтириш, санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш чоралари кўриляпти. Айниқса, ёш оилалар учун ташкил этиляётган давра суҳбатлари, шифокорлар билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари яхши натижа бераёпти.

Биз оналик ва болаликни ҳимоялаш, соғлом фарзандлар дунёга келишига эришиш учун ҳамма зарур чораларни ўтказмоқдамиз. Ниҳоятда уттидан олдин йигит ва қизларни тиббий қўриқдан ўтказиш бунда асосий ўрин эгалламоқда. Хозиргача 1538 нафар никоҳдан ўтувчиларнинг саломатлиги текшириб чиқилди. Бу бўлажак оилалар мустаҳкамлигига, соғлом янги авлод дунёга келишига

Бандлик

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

аҳолини, айниқса, ёшларни муқим иш билан таъминлаш масаласини ҳам ўз ичига олади

Кибрай — вилоятнинг аҳоли энг зич яшайдиган туманларидан бири. Статистика маълумотларига қараганда, хозир туманимизда 166,9 минг киши истижомат қилади. Уларнинг 60 фоиздан кўпроғи 30 ёшгача бўлган авлод эканлигини ҳисобга олсак, айтиш мумкин, бизнинг бандликка кўмаклашиш марказимиз ходимлари зиммасига юклатилган вазифа анча масъуляпти, шу билан бирга хайрлидир.

Туманда 12 та шаҳарча ва қишлоқ, 89 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бўлиб, ҳудудларда марказимизнинг 13 та турғун пункти назоратчилари иш олиб боради. Бу йил мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ҳамма 2680 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган эди. Утган ўй ойда давомида очилган иш жойлари эса 2515 тага етди. Бу йиллик режага нисбатан 93,8 фоиз эканлигидан кўриниб турибдики, олдинкига қўйилган вазифа йил охиригача ортиғи билан бажарилади.

2008 йил — Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан марказимиз ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, ҳарбий хизмат муддатини ўтаб келган ёшларни асосан кичик корхона ва микрофирмалар очиб, фермер ҳужалиқларини ташкил этиш, уй меҳнати, яъни касаначиликни кенгайтириш, бозор инфратузилмалари ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари билан таъминлашга ҳаракат қилаётир. Йил бошидан бундан шундай йўл билан 756 нафар ёшлар ишли бўлишди.

Таъкидлаш жоизки, турли кадрлар кўнимсизлигини бартараф этиш масаласини муҳим аҳамиятга эга. Тўпланган бой анъаналар ўзвийлигини таъминлаш мақсадида марказда ҳар йили "Энг намунали ўғрак", "Энг намунали тўғрак раҳбари" қўриқ-танловлари ўтказилляпти. Танлов голиблари ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси кенгаши томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаёпти.

Дониёр ЗОКИРОВ, туман болалар ва ўсмирлар ижодий маркази раҳбари.

МАҲОРАТ ВА ИЖОДКОРЛИК

бадий салоҳият намунаси

Болалар ва ўсмирлар ижодий марказимизда иқтидорли ўғил-қизлар ўз маҳоратларини сайқаллаб, ижодий қобилиятларини бойитишляпти. Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтлари фойдали ва мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, фаолиятимиз йўналишлари ва амалий ишлар режаларини тузиш, шу асосда машғулотлар олиб бормоқдамиз.

ми тасарруфидоги ёш педагог ходимлар маҳоратини ошириш мақсадида "Ёш мутахассислар" клуби фаолиятини йўлга қўйдик. Шу кунга қадар клубда 36 нафар ёш ходим малака оширди. Уларнинг қизларини ҳаётга тайёрлаш, уларни турли касбларга ўргатиш ҳамда дастлабки тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида "Ёш тадбиркор аёллар маркази" ташкил этилди. Хозир бу ерда 38 қиз тадбиркорлигини ўзига хос кўникмаларини эгаллашляпти.

Бандликка кўмаклашиш марказимиз вилоят ҳокимлиги, прокуратура ҳамда ички ишлар бошқармасининг ёшларни иш билан таъминлаш ҳудудий ярмаркалари ишларини жонлантиришга оид қўшма фармойишлари ижросини таъминлаш мақсадида жойларда меҳнат бозорларини намунали ташкил этиш учун барча имкониятларни ишга солимоқдалар.

Хуррият ХУДОЙҚУЛОВА, туман бандликка кўмаклашиш маркази директори вазифини бажарувчи.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Абдусамид ИҶДОШЕВ, Жўра САЎДУЛЛАЕВ ва Еркебой БТИРОВ (суратлар) тайёрлади.

Китобингизни ўқидим

ЎЗАЛДИККА ШАЙДОЛИК

Мархум шоир Муҳаммад Юсуф шеърини ихлосмандлари билан бўладиган учрашувларда "Дунёда шеър ёзишдан осон иш йўқ, бироқ ёзганларинга муҳлис топши, уларни бировага манзур қила олиш мушкул масала" деган гапни кўп бора такрорларди. Дарҳақиқат, шеър юракларга етиб бора, кунгилларни макон тутса, одамлар ундан дил турғиларига ҳамоҳанг туйғулари топа олсаларига чинакам санъат асарига айланади. Бинобарин, шеърнинг ҳикмати, сеҳри, мўъжизаси шунки,

Шеърининг чинакам муҳлислари беқободлик шоир Нуралӣ Жалил ижодидан бирмунча хабардорлар. У завоқ йиллардан бери мамлакатимиз матбуот нашрларида туркум шеърларини муштарийлар эълоти бориға эълони қилиб келди. У қандай энг сара ижод намуналарини тўплаб, китоб ҳолида чоп эттирди. Унга муаллиф жуда катта жўрват ва ҳаяжон билан

"Яшасин, севги!" дея ном берганидан ҳам аввали, китобнинг асосий мазмун-мундарижасини соф муҳаббат туйғулари, эзуғлик ва инсонийлик, гўзаллик тарануми айтилган шеърлар ташкил этди. Лирик қахрамоннинг самимий икромлари шуки, муҳаббат — бу эзуғлик, муҳаббат — бу гўзалликка шайдолик, муҳаббат — бу жоҳолатни ёндиргучи кўйш. У ҳаммаша соф севгисига суяниб яшайди, ишқдан илоҳий куч қувват, илҳом олади. Севиб яшайди, соғиниб яшайди.

Хисини шеър қилишга мен гарчи мохир, Лекин ҳижрон — қилич кўзим тиллати. Сиз менга шундай сўз ўратинг, ахир, "Соғиндим" деган сўз камлик қиллати... ("Тилгич илтимос" шеъридан)

Аллоҳлардан бери, "Муҳаббат ўзи эски дард, бироқ ҳар бир қўнғил уни ангилайди", деган. Зеро, қўнғилга бир лаҳза бўлсин муҳаббат меймон бўлмаган инсонни излаб топиш мушкул. Ҳар кимнинг ўз муҳаббати, эълити, ишқ дўниси бор. Шунданми, ишқ-муҳаббат ҳақида ёлғон дард, ясама ташбеҳлар, сохта туйғулари билан "безалган" шеърлар ёзиб, ўқувчини хайратлантириб бўлмади. Бундай сардорлар самимият, софлик ва соддалик бўлмаса, фикрни синг-

дириш қийин. Мен шу мулоҳазага мос равишда Нуралӣ Жалилнинг "Ёзвераман" сарлавхали шеърини тўлиқ келтирмоқчиман.

Шеър ёзишга қўлим бормайди, Бошлаб, яна бузвераман. Оқ қоғога тун буйи фақат, Сенинг исминг ёзвераман.

Оқшомлари боғларга чиқиб, Узим танҳо кезвераман. Юлдузларни осмонга тизиб, Сенинг исминг ёзвераман.

Сен қарамай ўтдинг ванимдан, Мен ақлдан озоввераман. Юрагимнинг деворларига Уйиб исминг ёзвераман — Ёзвераман...

Мана шундай содда, раривон, самимий сатрларгина ўқувчини хайратлантиради. Нуралӣ Жалил тўпламида бундай шеърларни қўлаб ўқратиш мумкин. Бу ҳам бўлса шеърининг жон томири бўлиши самимият шоир ижодини тўла қамраб бораётганидан далолатдир.

Зайрак китобхон Нуралӣ Жалил шеърларида ҳеч кимни кўшамайдиган ҳис-туйғулар, эзуғлик ва инсонийлик, гўзаллик тарануми айтилган шеърлар ташкил этди. Лирик қахрамоннинг самимий икромлари шуки, муҳаббат — бу эзуғлик, муҳаббат — бу жоҳолатни ёндиргучи кўйш. У ҳаммаша соф севгисига суяниб яшайди, ишқдан илоҳий куч қувват, илҳом олади. Севиб яшайди, соғиниб яшайди.



лар, алоҳида ўзига ҳослик борлигини даров пайқайди. Китобга шоирнинг 30 йилдан зиёдроқ ватан оралигида яратган ижод намуналари киритилган. Айтайлик, унинг бундан ўттиз йил аввалги қораламаси билан кечанига ёзган шеърини солиштирган одам, унинг битта юракдан чиққанлигини сезади. Уларнинг барини самимийлик, тинч ифода, бедор ва беором қалб тугёнлари бирлаштириб туради.

Яхши шеър ўқилгани сайин, ёд бўлгани сайин кишини мафтун этиб бораверади, ундан янги фикр, янги жиолар топасиз. Шу сабабдан, Нуралӣ Жалил ижоди ҳақида, унинг жожибдор шеърлари ҳақида кўпчилигимизда бундан илҳом фидолар туғилиши мумкин ва уларни вақти келганда айтаёмиз ҳам. Бироқ, шу ўринда шу китобда "Ял" этиб кўзимизга ташланган икки мисрани келтирмасак бўлмас. Уни ўқигач, Нуралӣ Жалил қандай шоирлигини-ю, унинг учун шеър нима эканлигини англаб етасиз:

Битта эканлик мени Уйлар фақат,

Шоир бўлмаганлар қандай яшаркин...

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

Пойтахтдаги "Умид" болалар спорт мажмуасида стол тенниси бўйича "Соғлом авлод учун" халқаро жағфармаси кубоги учун аънавий республика турнири бошланди.

ЖАМҒАРМА КУБОГИ

Мазкур мусобақа мамлакат тарма жамоасига муносиб номзодларни саралаб бергани боис нафақат қатнашчилар, балки мутахассислар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу сарфари турнирда республиканинг барча худудларидан келган олтиншдан зиёд ёш спортчилар беллашмоқда. 1996-1997 йилларда тугилган ўсмир қизларнинг аксарияти учун бу дастлабки ийрик мусобақа ҳисобланади. Беллашувларнинг биринчи кунда омادли ҳаракат қилган қатнашчилар ярим финал йўлланмасига эга бўлишди.

"Туркистон-пресс".

Турмуш чорраҳаларида

Нодирларнинг уйда бўлиб ўтган тўполондан ҳар ким ўзига хўлоса чиқарди. Кимдир "Сиринг очилиб қолар экан, нима қилардинг иккинчи хотинни олиб?" деса, бошқа биров "Ийги кишига айби йўқ, элласа қанди урсин" деди. "Ўзининг гулдехотини, бола-чақаси бўла туриб, бошқа аёлга уйланишга бало бормиди" дегучилар, "Назокатхонга ҳам хайрон қолсан, оғзидаги ошини олдириб ўтирибди-я. Айтдиларки, у хотин "ўранган" аёл эмас" деб ўзидан қўшиб-чатиб гапирардилар ҳам топилади. Хўллос, элнинг оғзига элак тўти бўлмади. Маҳаллада "деди-дедилар" билан турли хилдаги миш-мишлар кўпайган-кўпайди. Ўзини қўрага жой топилаётган Назоқатхон эса, бўлиб ўтган ишда кимни айбашни билмай, гангиб қолди. Ахир, осони, эр бермоқ — жон бермоқ билан тенг. Аламини ййғидан оларкан, эрим зотига тортиди, қайнотам ҳам ўз вақтида бирини олиб, бирини қўйган дейишганди. От айланб қозини топганда эса, оила аъзолари олдидаги ҳурмати икки пул бўлиб қолган экан, деб ўйлади. Аммо буларнинг бари аёллар ўзларини оватиш учун ўйлаб топиладиган бахоналардан эди.

Нодир ва Назоқат севиб туриб турмуш қуришган. Нодир — Ҳосилбойнинг яққаю ягона ўғли. Тўқчиликда ўсган ўғил отасининг соясида қийинчилик кўрмади. Мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ тағида машина, чўнтаги тўла пул эди. Мактабни биттирадиган йили ўзидан икки ёш кичик қизни учратиб, севиб қолди. Бу пайтда Назоқат хали мактаб ўқувчиси эди. Қўринганга "Синфдошлари ичда биринчи бўлиб Нодирнинг туйи бўлади" дегувчи Ҳосиятхон ўғилнинг истагига қарши чиқмади. Аксинча, келин бўлишнинг ЗАГСдан ўтишга ёши етмагани учун бир амаллаб йўлини килди.

Вояга етмай туриб бошланган эр-хотинлик ҳаётига қўниқиб икка-ёш учун ҳам осон кечмади. Турли келишимовчиликлар тўғрисида бир бўлиб тўрадагилар уруш-жанжаллардан кейин севги асосида қурилган оила пойдөөври ўқинчи ҳою хавас билан қад рўстлаганига шубҳа қолмади. Аммо наҳора, бўладиган иш бўлиб, бўёғи қўнган. Тўғилмаж гўдак етим бўлмаслиги учун ҳар иккови ҳам тишини-тишига қўйишга мажбур эди.

КОРЕЯ КИНОСИ КУНЛАРИ

Жанубий Корейнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан пойтахтдаги "Grand Cinema" киносаройида "Корея кинеси кунлари" фестивали очилди.

Икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг ўрнатилганига ўн олти йил тўлиши муносабати билан ташкил этилган кино ҳафталида тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари Корейда ишланган энг сара фильмлардан баҳраманд бўлишмоқда.

— Икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликлар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда, — деди Жанубий Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавулода ва мухтор элчиси Кен Джэ Мина. — Ўзбекистонда корейс фильмларини кизикиб томоша қилишадий. Халқларимиз ўртасидаги маданий ва маънавий алоқалар ривож топишида катта аҳамият касб этадиган кинофестивалларда ўзбек томошабинлари корейс халқининг маданияти, урф-одат-

лари, зоққ тарихи ва бугунги кунни ҳақида атрафлича маълумот олишлари мумкин.

Фестивалда намоийш этилаётган фильмларда муҳлислар корейс халқининг яшаш тарзи, урф-одатлари ҳамда замонавий кино санъатидан баҳраманд бўлишди. Режиссёр Ким Ки Дока томонидан суратга олинган "Баҳор, ёз, қуз ва қиш" фильми муҳлисларда яхши таассурот қолдирди. Мазкур фильмда будда дини вақили бўлган монах ҳаёти ишонарли ва қизкарли воқеалар асосида тасвирланган. Фильмда нафақат севги-муҳаббат, балки инсоннинг ҳаётдаги асосий мажбури-

ятлари, қийинчиликлари, одамларнинг инсоф ва диёнатдан узоқлашиб кетаётгани воқеаларда акс этди. Фильм Корейда аънавий ўтказиладиган "Рикарино" кинофестивалида "Йилнинг энг яхши фильми" мукофотини қўлга киритган.

Режиссёр Ли Чеханнинг "Унитини хохламайман" фожиали мелодрама йўналишидаги кино асарда эса ёш қизнинг соғлиги ёмонлашиб, эсидан оғиши, хотирасини йўқотиши, ҳис-туйғулари йўқолиши сўнг эса қучли севги-муҳаббат тўғрисида ҳаётга яна қайтиши мохирона тасвирланади.

Режиссёр Квак Чеханнинг "Шадрод қиз" номли фильми ҳам муҳлисларни бефарқ қолдирмайпти. Ушбу фильмда ҳам ёш қиз

ва бир йигитнинг севгиси ҳаётини воқеалар асосида тасвирланади. Мазкур фильм 2001 йилда суратга олиниб, ўша йилги Корейда жуда катта муваффақият қозонган. Уни томоша қилган ўзбек муҳлислари фильмда ёшлар ҳаёти, севги-муҳаббати ҳаётини воқеалар асосида профессионал ижодкорлик иши билан суратга олинганга юқори баҳо беришди. Фильм Корея, Япония ва Гонконгда ўтган кинофестивалларда "Осиёнинг энг яхши фильми" деб эътироф этилган.

Албатта, бу каби кинофестиваллар халқлар ўртасидаги биродарликни, маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этди. Зеро, ҳар бир давлатнинг кино санъати ўзга юрт муҳлислари қалбига ўша юртга бўлган севги-муҳаббат туйғулари шаклланиши билан эътиборлидир.

"Туркистон-пресс".

Турмуш чорраҳаларида

Эрининг тутуқусиз гапларига, қуракда турмайдиган қилиқлари-ю, тушунарсиз феълга икки фарзандлик бўлишида Назоқат сал ўрганганда бўлди. Икки ўғилдан кейин, қизлари Диёра дунёга келди. Болалар катта бўла бошлаганда, Нодир нечундир хотинига кўл қўтариш оdatини ташлаган, булар-бўлмасга жанжал чикармай ёқдан бўлди. Аммо, ҳамма гап бошқа экан.

Нодир бозорда олди-сотди билан шуғулланганидан бир аёлга илакишиб қолди. Турмушдан оғзи қуйган, қасалманда эрни боқиб, рўшнолик кўрмаган оғиз қиёфасидаги бу устоман аёл Нодирдек



туғамас хазинани қўлдан бой бермаслик учун нималар қилмади дейсиз. Дастлаб Нодирни, ундан ҳеч нарса кутмаслигига, фақат ёқтириб қолгани сабабли унга боғланиб қолгани ишонтирди. Ўзини Нодирнинг ҳамкоридек тутадиган Раъно Назоқатхон билан тездати тили топшириб олди. Аёлнинг ишончли қозонши учун ўзини ибодатга берилган, эркакларга беътиборай қўрсатар, аммо Нодир билан ҳамкорликда илашша уни ҳаёт мажбур қилганини, бозорга чиқиб, пул топмаса бўлмаслигини қайта-қайта таъкидларди. Аёл Нодирларнинг уйига юк туширадиган Назоқатни, болаларини совга-саломлар билан сийлашни қанда қилмасди. Шундан бўлса керак, болалар ҳам "Раъно опа"ларига тез ўрганишди.

Нодир оиласидан мусово бўлганидан кейин Раъно билан бахтли ҳаёт кечира олмади. Тўғри, энди у Раъно билан муносабатини аввалгидек ўзгалардан сир тутмаса, хотинини билиб қолса-чи, деб чўчи-

масди. Аммо ҳақиқий бахтни ўз оиласи, фарзандлари билан бирга бўлган пайтларидан толанган, ҳозир эса биргина қўйган нотўғри қадам тўғрисида ҳаммасидан махрум бўлган эди.

Бир кун Раъно Нодирга хўсусий дўкон очиб нияти борлигини айтди. Аммо, аксига олиб охирги пайтда Нодирнинг ишлари юришиб, топиш-тутишидан путур кетганди. Шундай қунарнинг бирда оиласига қайтиб боришига юзи чидамаётган, Раъно билан қилишга эса юраги дов бериётган Нодир автохалокатга учради. Нодирнинг эгри кадам қасофати, гўноҳсиз гунаҳларнинг қўзғилиши туттанди. Қасалхонада ўлим билан олишаётган Нодирни бирини бўлиб Раъно ташлаб кетди. Уни давлатиши у ёқда турсин, ҳатто, холидан хабар олишга ҳам ярамади. Ҳаляям бўлса Назоқатхонда юрак бор экан, фарзандларининг юзини қилиб, Нодирни кечирди. Бир ойгача қасалхонада ўзи қаради. Қилган ишдан пушаймон бўлган Нодир ўтган ишларда фақат ўзи айбдорлигини тан олди.

Ноғиронлар аравачасига милаҳни қолган Нодир Назоқатхон ишдан келгунча, унга оз бўлса-да, ёрдами тегиб, баъзи ишларини қилишга уринди. Аммо, бунинг урдаасидан чиқолмаган кезлари аламиндан додлаб юборай дерди.

— Ойижоним келяптилар, — дейди қувончдан қўзлари порлаб Диёра.

У ҳар кун наонасинг ишдан келишини интизорлик билан кутар, ҳозир эса, Назоқатхоннинг рўпарадаги янги очилган супермаркетдан чиқиб келаётганини кўриб қолиб, отасидан суюнчи олгани ошдикчи. Ахир, нега қувонмасин, қизалоқ қачондан бери онасига қўриқиб олиб беринг, деб хархаша қиларди-да.

Назоқатхон уйга кирди-ю, ўзини диванга отиб, ўқраб йиллаб юборди. Нодир хайрон. Ҳеч нарсага тушунолмаган Диёра эса онасини овуттишга уринди:

— Ойижон, ййгламанг. Кўйири-чоққа пулингиз етмадими? Майли, менга кўйирчоқ керак эмас, фақат сиз ййгламанг.

Назоқатхон супермаркетда Раънога дуч келганди. Яна ўша беҳад қулга, яна ўша никоб — ҳижоб рўмоли. Айтишларига, супермаркет хўжайинини "илитирибди".

Аллома АЗИЗОВА.

Корейнинг эркин ёллаш тизими бўйича корейс тилидан қайта тест синовларини ўтказиш тўғрисида эълон

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Корей Республикаси Мехнат вазирлиги ўртасида тuzилган "Бандликка рухсат бериш тизими бўйича ишчи кучини Корей Республикасига юбориш тўғрисида"ги Меморандумга мувофиқ Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан Корей Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати билан ҳамкорликда жорий йил майда ташкил этилган корейс тили бўйича тест синовидан ўта олмаган фуқаролар учун 2008 йил 21 декабрда корейс тилидан қайта тест синовларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Мазкур қайта ташкил этиладиган тест синовларида 2008 йил 24-25 майда тестдан муваффақиятли ўта олмаган ва рўйхатга олинб, тестга қира олмаган номзодлар (ёши 18 дан 39 ёшгача, яъни 1969 йил 22 декабрдан 1990 йил 21 декабргача бўлган даврда тугилган фуқаролар) қатнашишлари мумкин.

Рўйхатга олиш жараёни

Рўйхатга олиш мuddати — вилоятлар бўйича рўйхатга олиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Рўйхатга олиш вақти — унинг 9.00 дан 17.00 гача (танафус вақти 13.00 дан 14.00 гача).

Фуқароларни рўйхатга олиш фуқаролик паспортида қайд этилган тураржойи бўйича ҳамда вилоятларни рўйхатга олиш жадвали асосида белгиланган кунда амалга оширилади.

Тест синовида қатнашиш истагини билдирган фуқаролар рўйхатга олиш жойларига қуйдаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- тўлдирилган махсус талабнома шакли;
- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ва унинг нусхаси;
- 3,5x4,5 см ҳажмдаги 2 дونا рангли фотосурат (охирги 6 ой давомида олинган);
- тест тўлови бўйича имзоланган мажбурият;
- тўловни амалга оширганлиги ҳақида банк квитанцияси.

Вилоятлар бўйича рўйхатга олиш жадвали:

Вилоятлар	Рўйхатга олиш кун	Рўйхатга олиш жой	Манзили
Жиззах вилояти	18.11.2008 йил	Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси	Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 44-уй.
Тошкент вилояти	19.11.2008 йил		
Тошкент шаҳри,	20.11.2008 йил		
Сирдарё вилояти			
Фарғона вилояти	18.11.2008 йил	Чет элларга кетаётган фуқароларни олдидан кўнктириш ва ўқитиш маркази	Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 37-уй.
Наманган вилояти	19.11.2008 йил		
Андижон вилояти	20.11.2008 йил		
Қорақалпоғистон Республикаси,	18.11.2008 йил	2-сон Тошкент юридик коллежи	Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 47-уй.
Қашқадарё вилояти			
Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари	19.11.2008 йил		
Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари	20.11.2008 йил		

Тест учун тўланидиган тўлов:

17 АҚШ доллари миқдориди ўтловнинг миллий валюта — сўмдаги эквиваленти (тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича).

Тест синовларини ташкил этиш тўғрисида мазкур фуқароларга рўйхатга олиш жойларида қўшимча маълумотлар берилди.

Маълумотлар учун Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг қуйдаги телефонлари мурожаат қилишингиз мумкин: 252-33-79, 252-13-61.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрлиги учун режлага ва эълон бевувчилар масъулдир.